



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING QONUNI

Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 18 октябрда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2025 йил 24 январда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисидаги қонунчилик

Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

атроф-муҳит компонентлари – табиий муҳитда яшаш учун қулай шарт-шароитларни таъминлайдиган ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда атмосфера ҳавоси;

атроф-муҳитга таъсир – мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг атроф-муҳит ва экологик хавфсизлик учун, шу жумладан инсон соғлиғи, атроф-муҳит компонентлари учун ҳар қандай оқибатлари ҳамда ушбу омилларнинг ўзаро боғлиқлиги, шунингдек ушбу омиллардаги ўзгаришларнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларга ва маданий мерос объектларига таъсири;

атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш – мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг атроф-муҳитга таъсири хусусиятларини ва даражасини, унинг эҳтимолий экологик оқибатларини аниқлашга ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга қаратилган тартиб-таомил;

атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материаллари – мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш натижалари бўйича тайёрланадиган ва экологик экспертиза ўтказиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар тўплами;

атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материалларини ва экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчи (бундан буён матнда лойиҳани ишлаб чиқувчи деб юритилади) – мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятини ва бошқа фаолиятни ташкил этиш учун атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материалларини, шунингдек амалга оширилаётган хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга оид экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқишни амалга оширувчи юридик шахс;

бююртмачи (ташаббускор) – мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни ташкил этиш учун атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материалларини, шунингдек амалга оширилаётган хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга оид экологик нормативлар лойиҳаларини экологик экспертизадан ўтказиш учун тақдим этадиган юридик ёки жисмоний шахс;

жамоатчилик эшитуви – мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилишга тааллуқли масалаларни муҳокама қилиш учун ташкил этиладиган жамоатчилик йиғилиши;

махсус ҳуқуқий режимга эга объектлар – мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш шарт-шароитларини тартибга солувчи алоҳида ҳуқуқий нормалар қўлланиладиган экологик экспертиза объектлари;

мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ҳамда бошқа фаолият – атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда экологик экспертиза объекти ҳисобланадиган ҳар қандай фаолият;

стратегик режалаштириш хужжатлари – давлат дастурларининг, концепцияларининг, ишлаб чиқариш кучларини, иқтисодий ва ижтимоий соҳалар тармоқларини жойлаштириш ҳамда ривожлантириш схемаларининг лойиҳалари ва шаҳарсозлик хужжатлари, шунингдек бошқа стратегик аҳамиятга эга бўлган объектларга оид хужжатлар;

стратегик экологик баҳолаш – стратегик режалаштириш хужжатлари асосида мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг атроф-муҳитга таъсири хусусиятлари ва даражасини, эҳтимолий экологик оқибатларини аниқлашга, шунингдек баҳолаш натижалари бўйича атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга қаратилган тартиб-таомил;

экологик нормативлар – атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбаларни инвентаризациядан ўтказиш натижалари асосида ишлаб чиқилган ҳамда ифлослантирувчи моддаларни чиқариш, оқизиш ва чиқиндиларни жойлаштириш нормативларини белгилаш учун экологик экспертизадан ўтказилиши лозим бўлган хужжатлар;

экологик экспертиза – мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилашга ҳамда экологик экспертиза объектини рўёбга чиқариш мумкинлигини ёки мумкин эмаслигини аниқлашга қаратилган тартиб-таомил.

4-модда. Экологик экспертизанинг, атроф-муҳитга таъсирни баҳолашнинг ва стратегик экологик баҳолашнинг мақсадлари

Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш қуйидаги мақсадларда ўтказилади:

мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинишидан олдинги босқичларда бундай фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш;

мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг атроф-муҳит ҳолатига ҳамда инсон соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ёки салбий таъсир кўрсатаётган экологик хавфлилик даражасини аниқлаш;

мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг атроф-муҳитга ва инсон соғлиғига салбий таъсирининг олдини олиш ҳамда уни камайитириш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича назарда тутилаётган чора-тадбирларнинг етарлилигини ҳамда асослилигини аниқлаш.

5-модда. Экологик экспертизанинг, атроф-муҳитга таъсирни баҳолашнинг ва стратегик экологик баҳолашнинг асосий принциплари

Экологик экспертизанинг, атроф-муҳитга таъсирни баҳолашнинг ва стратегик экологик баҳолашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;
 холислик;
 асослилиқ;
 ахборотдан эркин фойдаланиш ва унинг ҳаққонийлиги;
 жамоатчилик иштироки;
 очиклик ва ошкоралиқ;
 экологик хавфсизлик талабларини ҳисобга олишнинг мажбурийлиги;
 ҳар қандай мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалиқ фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг кутилаётган экологик хавфлилиқ презумпцияси;
 мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалиқ фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг атроф-муҳитга ва инсон соғлиғига таъсирини баҳолашнинг комплекслилиги.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органи деб юритилади).

Махсус ваколатли давлат органи:
 давлат экологик экспертизасини ташкил этади ва ўтказди;
 экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади;
 экологик экспертизанинг ягона тизимини ташкил қилувчи ихтисослаштирилган эксперт бўлинмалари фаолиятини ташкил этади;
 экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш бўйича норматив-техник ва йўриқнома-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди;
 давлат экологик экспертизаси бўйича экспертлар кенгаши таркибини ҳамда унинг низомини тасдиқлайди;
 давлат экологик экспертизасининг хулосасида кўрсатилган талабларнинг бажарилиши мониторингини олиб боради;

экологик экспертизанинг ижобий хулосасига эга бўлмаган объектларга нисбатан молиялаштириш, кредитлаш операцияларини ва бошқа молиявий операцияларни тўхтатиб туриш (тугатиш) тўғрисидаги тақдимномаларни банкларга ва бошқа кредит ташкилотларига юборади;

экологик экспертиза хулосаларининг бажарилиши устидан экологик назоратни амалга оширади;

бошқа давлатларнинг табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш соҳасидаги ҳамкорликни амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7-модда. Экологик экспертизанинг турлари

Экологик экспертиза давлат ва жамоат экологик экспертизаси тарзида амалга оширилади.

8-модда. Экологик экспертиза объектлари

Экологик экспертиза объектлари қуйидагилардан иборат:

барча турдаги қурилишлар учун ер участкаларини танлаш ва (ёки) ажратиш материаллари;

лойихаолди ва лойиха ҳужжатлари;

табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни тартибга солувчи норматив-техник ва йўриқнома-услубий ҳужжатлар, шу жумладан техник регламентлар ва шартларнинг, стандартларнинг, қоидалар ҳамда йўриқномаларнинг лойиҳалари;

чиқиндиларни зарарсизлантириш, қайта ишлаш ва утилизация қилиш учун янги турдаги технологияларни ҳамда техника воситаларини, материаллар, буюмларни, биологик, кимёвий моддаларни ва воситаларни яратиш бўйича ҳужжатлар;

атроф-муҳитнинг ҳолатига ва инсон соғлиғига салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб турган корхоналар ҳамда бошқа объектлар;

махсус ҳукукий режимга эга бўлган объектлар.

Экологик экспертиза объектлари атроф-муҳитга таъсири бўйича уч тоифага бўлинади ва уларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

2-боб. Давлат экологик экспертизаси

9-модда. Давлат экологик экспертизасини ўтказиш

Давлат экологик экспертизаси мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг

хамда бошқа фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш ва давлат экологик экспертизаси объектини рўёбга чиқариш мумкинлигини ёки мумкин эмаслигини аниқлаш мақсадида махсус ваколатли давлат органи томонидан ўтказилади.

Буюртмачи (ташаббускор) давлат экологик экспертизасини ўтказиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон бериши мумкин. Бу ҳолда экологик экспертиза тугалланган кундан эътиборан бир ой ичида унинг натижалари тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинади.

Давлат экологик экспертизаси ўтказилиши тўғрисида эълон бериши ва унинг натижалари ҳақидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши шарт бўлган давлат экологик экспертизаси объектларининг рўйхати қонунчиликда белгиланади.

10-модда. Эколог-экспертнинг мустақиллиги

Буюртмачининг (ташаббускорнинг) ёки бошқа манфаатдор шахсларнинг эколог-эксперт фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

11-модда. Давлат экологик экспертизаси ўтказилишининг мажбурийлиги

Ушбу Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган экологик экспертиза объектлари давлат экологик экспертизасидан ўтказилиши шарт.

12-модда. Давлат экологик экспертизасини молиялаштириш

Давлат экологик экспертизасини молиялаштириш қонунчиликда белгиланган тартибда буюртмачининг (ташаббускорнинг) маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

13-модда. Давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун тақдим этиладиган материаллар

Давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун буюртмачи (ташаббускор) томонидан қуйидагилар тақдим этилади:

лойиҳалаштирилаётган объектлар бўйича – атроф-муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёнот лойиҳасини, экологик оқибатлар тўғрисидаги баёнотни, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда эса атроф-муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёнотни ўз ичига оладиган атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материаллари;

ишлаб турган объектлар бўйича – экологик нормативларнинг лойиҳалари, объектнинг атроф-муҳитга ва инсон соғлиғига таъсир кўрсатиш ҳолати аниқланган тақдирда, атроф-муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисида тайёрланган баёнот. Бунда буюртмачи (ташаббускор) қўшимча равишда экологик аудит материалларини тақдим этишга ҳақли;

ушбу Қонун 8-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисида кўрсатилган объектлар бўйича – ишлаб чиқилган барча ҳужжатлар.

Атроф-муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёнот лойиҳаси давлат экологик экспертизаси объектини молиялаштириш бошланғунига қадар тақдим этилади.

Атроф-муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёнот давлат экологик экспертизаси объектининг техник-иқтисодий асослари тасдиқланғунига қадар тақдим этилади.

Экологик оқибатлар тўғрисидаги баёнот объект қонунчиликда белгиланган тартибда фойдаланишга қабул қилиб олинғунига қадар тақдим этилади.

**14-модда. Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материалларини
ва экологик нормативлар лойиҳаларини
давлат экологик экспертизасидан ўтказиш
учун тақдим этиш**

Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш лойиҳани ишлаб чиқувчилар томонидан ўтказилади.

Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материаллари ва экологик нормативлар лойиҳалари давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун махсус ваколатли давлат органининг расмий веб-сайти орқали электрон ҳужжат шаклида тақдим этилади, бундан махсус ҳукукий режимга эга объектлар мустасно.

Махсус ҳукукий режимга эга объектларнинг давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материаллари ҳамда экологик нормативлар лойиҳалари қоғоз шаклида тақдим этилади.

**15-модда. Давлат экологик экспертизасини
ўтказиш муддатлари**

Давлат экологик экспертизасини ўтказиш муддати йигирма беш иш кунидан ошмаслиги керак. Давлат экологик экспертизаси объектининг мураккаблигига қараб, уни ўтказиш муддати махсус ваколатли давлат органи томонидан кўпи билан уч ой муддатга узайтирилиши мумкин.

Давлат экологик экспертизасини ўтказиш муддати давлат экологик экспертизасининг қиймати тўлиқ тўлангандан кейинги иш кунидан эътиборан ҳисобланади.

**16-модда. Давлат экологик экспертизасини ўтказиш чоғида
қўйиладиган талаблар**

Давлат экологик экспертизасини ўтказишда қуйидагилар амалга оширилади:

тақдим этилган материалларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини текшириш;

мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг экологик ва ижтимоий оқибатлари тўғрисидаги маълумотларнинг ишончилиги ва тўлиқлигини таҳлил қилиш;

биологик, кимёвий моддалар ва технологияларнинг атроф табиий муҳитга таъсирини баҳолашнинг асослилигини текшириш;

мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш оқибатлари билан боғлиқ экологик хавфлилик даражасини баҳолашнинг тўғрилигини текшириш;

экологик хавфсизлик талабларини таъминлашга доир чора-тадбирларнинг етарлилигини ва асослилигини аниқлаш;

экологик нормативлар лойиҳаларининг асослилигини текшириш.

3-боб. Давлат экологик экспертизасининг субъектлари

17-модда. Буюртмачи (ташаббускор)

Буюртмачи (ташаббускор) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат экологик экспертизасини ўтказиш масалалари бўйича махсус ваколатли давлат органидан маслаҳатлар ва зарур услубий ёрдам олиш;

давлат экологик экспертизасининг объектини рўёбга чиқариш мумкин эмаслиги тўғрисидаги хулосасига асосан материалларни маромига етказиш ва такрорий давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун тақдим этиш;

аккредитация қилинган лабораторияларни жалб этган ҳолда, ифлослантирувчи моддаларнинг чиқарилиш, оқизилиш ва чиқиндиларни жойлаштириш манбаларидан намуналар олиш ҳамда лаборатория таҳлилларини ўтказиш;

атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материаллари ва экологик нормативлар лойиҳалари тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш, шунингдек давлат экологик экспертизасининг ўтказилиш жараёни ҳақидаги маълумотларни олиш.

Буюртмачи (ташаббускор):

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материалларини ва экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши ҳамда уларни давлат экологик экспертизасидан ўтказиш учун тақдим этиши;

давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун қонунчиликда белгиланган тартибда тўловни амалга ошириши;

атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш учун зарур бўлган тадқиқотларнинг молиялаштирилишини таъминлаши;

давлат экологик экспертизаси ўтказилгунига қадар мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ҳамда бошқа фаолият бўйича жамоатчилик эшитувларини ўтказиши;

атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материалларида давлат экологик экспертизаси объекти фаолияти натижасида ҳосил бўладиган иссиқхона газларининг миқдорини ҳамда углерод нейтраллигини таъминлаш бўйича мақсадли кўрсаткичларни инобатга олиши;

стратегик режалаштириш ҳужжатида иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши;

давлат экологик экспертизасининг хулосасида кўрсатилган талабларни бажариши шарт.

Буюртмачи (ташаббускор) қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва унинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

18-модда. Лойиҳани ишлаб чиқувчи

Лойиҳани ишлаб чиқувчи штатида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида камида уч йил ишлаган, тегишли малака сертификати мавжуд бўлган камида икки нафар ходимга эга бўлиши керак.

Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материалларини ва экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчининг фаолиятини ташкил этиш тартиби, шунингдек экологик экспертиза объектлари учун лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишга доир малака сертификатини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материалларининг ва экологик нормативлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилишини таъминлаш мақсадида махсус ваколатли давлат органи лойиҳаларни ишлаб чиқувчиларнинг рейтингини юритади.

Лойиҳани ишлаб чиқувчи атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш бўйича материалларнинг ва экологик нормативлар лойиҳаларининг тўғрилиги, ишончилиги ҳамда асослилиги учун буюртмачи (ташаббускор) билан солидар жавобгар бўлади.

19-модда. Эколог-эксперт

Олий маълумотга, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ёки турдош соҳаларда камида узлуксиз уч йиллик иш стажига эга бўлган ҳамда белгиланган тартибда махсус ваколатли давлат органи томонидан аттестациядан ўтказилган ходим эколог-эксперт бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари ҳам махсус ваколатли давлат органи томонидан контрактга асосан халқаро эколог-экспертлар сифатида жалб этилиши мумкин, бундан давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир билан боғлиқ ҳоллар мустасно.

Эколог-эксперт фаолияти қонунчиликка мувофиқ тартибга солинадиган давлат фуқаролик хизматчисидир, бундан халқаро эколог-экспертлар мустасно.

Эколог-эксперт қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва материалларни олиш;

давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун тақдим этилган, қонунчилик талабларига жавоб бермайдиган атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материалларини ва экологик нормативлар лойиҳаларини рад этиш;

давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун тақдим этилган материалларнинг ишончилигини жойига чиққан ҳолда текшириш.

Эколог-эксперт:

давлат экологик экспертизасини ўтказишда қонунчилик талабларига риоя этиши;

давлат экологик экспертизасининг ўз вақтида, ҳар томонлама, ҳолисона ва сифатли ўтказилишини, шунингдек унинг натижалари бўйича белгиланган тартибда ҳулоса берилишини таъминлаши;

давлат экологик экспертизасининг муайян объектига нисбатан шахсий манфаатдорлиги бўлган тақдирда ўзини ўзи рад этиши;

давлат экологик экспертизаси учун тақдим этилган материалларнинг бут сақланишини, шунингдек давлат сирларини, ҳарбий, хизмат ва тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларнинг ошкор қилинмаслигини таъминлаши шарт.

Эколог-эксперт қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва унинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Эколог-эксперт ўз мажбуриятларини буюртмачининг (ташаббускорнинг) ҳуқуқларига ёки қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларига моддий зарар ёки маънавий зиён етказган тарзда бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, шунингдек экологик экспертиза тўғрисидаги қонунчиликни бошқача тарзда бузганлик учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

4-боб. Давлат экологик экспертизасининг ҳулосаси

20-модда. Давлат экологик экспертизасини ўтказиш натижалари

Давлат экологик экспертизасини ўтказиш натижалари бўйича давлат экологик экспертизаси объектини рўёбга чиқариш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги яқунларни ўз ичига олган ҳулоса тузилади.

21-модда. Давлат экологик экспертизаси объектини рўёбга чиқариш мумкин эмаслиги тўғрисидаги хулоса

Давлат экологик экспертизаси объектини рўёбга чиқариш мумкин эмаслиги тўғрисидаги хулоса қуйидаги ҳолларда берилади:

агар буюртмачи (ташаббускор) томонидан тақдим этилган ҳужжатлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик талабларига зид бўлса;

агар давлат экологик экспертизасини ўтказиш чоғида буюртмачи (ташаббускор) томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ва (ёки) бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд эканлиги аниқланган бўлса;

агар ўтказилган жамоатчилик эшитувлари натижаларига кўра тайёрланган якуний ҳужжатларда давлат экологик экспертизаси объектини рўёбга чиқаришга нисбатан жамоатчилик эшитувлари иштирокчилари томонидан асослантирилган эътирозлар билдирилган бўлса.

Давлат экологик экспертизаси объектини рўёбга чиқариш мумкин эмаслиги тўғрисидаги хулосани ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилмаган асосларга кўра беришга йўл қўйилмайди.

22-модда. Давлат экологик экспертизаси хулосасини бажаришнинг мажбурийлиги

Давлат экологик экспертизасининг хулосаси давлат экологик экспертизаси объектини молиялаштириш ҳамда рўёбга чиқариш чоғида юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши шарт. Давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси бўлмай туриб, лойиҳаларнинг банк ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан молиялаштирилиши, шунингдек рўёбга чиқарилиши тақиқланади.

Давлат экологик экспертизасининг давлат экологик экспертизаси объектини рўёбга чиқариш мумкин эмаслиги тўғрисидаги хулосаси бўлган тақдирда, буюртмачи (ташаббускор) хулосадаги мавжуд тақлифларга мувофиқ лойиҳанинг қонунчилик талабларига мувофиқлаштирилишини таъминлаши ҳамда материалларни давлат экологик экспертизаси учун қайта тақдим этиши ёхуд режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятидан ва бошқа фаолиятдан воз кечиши шарт.

23-модда. Давлат экологик экспертизаси хулосасининг амал қилиш муддати

Давлат экологик экспертизаси объектининг экологик талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги давлат экологик экспертизасининг хулосаси қуйидаги муддатларда юридик кучга эга бўлади:

атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материаллари бўйича – хулоса берилган кундан эътиборан уч йил мобайнида;

экологик нормативлар лойиҳалари бўйича – хулоса берилган кундан кундан эътиборан беш йил мобайнида.

**24-модда. Давлат экологик экспертизаси хулосаси
бажарилишини мониторинг қилиш**

Давлат экологик экспертизасининг хулосасида кўрсатилган талабларни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини мониторинг қилиш белгиланган тартибда буюртмачи (ташаббускор) томонидан таъминланади.

Буюртмачи (ташаббускор) давлат экологик экспертизаси хулосасида кўрсатилган талабларнинг бажарилиши тўғрисида ҳар чорак якунларига кўра, чоракдан кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмай махсус ваколатли давлат органига ахборот тақдим этиши шарт.

Буюртмачи (ташаббускор) давлат экологик экспертизасининг хулосасида кўрсатилган талабларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборотни ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган муддатларда тақдим этмаган тақдирда, махсус ваколатли давлат органи буюртмачига (ташаббускорга) ёзма кўрсатма беради.

**5-боб. Давлат экологик экспертизасининг хулосасини
қайта расмийлаштириш ва унинг амал қилишини
тўхтатиб туриш ёки тугатиш**

**25-модда. Давлат экологик экспертизасининг хулосасини
қайта расмийлаштириш**

Буюртмачи (ташаббускор) қайта ташкил этилган, унинг номи ўзгартирилган ёки ваколатлари ёхуд ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворисга ўтган ҳолларда, буюртмачи (ташаббускор) ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилганидан кейин етти иш куни ичида махсус ваколатли давлат органига тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, давлат экологик экспертизасининг хулосасини қайта расмийлаштиришга доир ариза бериши мумкин.

Давлат экологик экспертизасининг хулосасини қайта расмийлаштирганлик учун тўлов ундирилмайди.

**26-модда. Давлат экологик экспертизаси хулосасининг
амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш**

Давлат экологик экспертизаси хулосасининг амал қилиши суд томонидан қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

буюртмачи (ташаббускор) давлат экологик экспертизаси хулосасининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилганда;

буюртмачининг (ташаббускорнинг) фаолияти тўхтатиб турилганда;

буюртмачи (ташаббускор) томонидан давлат экологик экспертизасининг хулосасида кўрсатилган талабларга риоя этилмаганда;
конунчиликда белгиланган бошқа ҳолларда.

Давлат экологик экспертизаси хулосасининг амал қилиши куйидаги ҳолларда тугатилади:

давлат экологик экспертизаси хулосасининг амал қилиш муддати тугаганда;

буюртмачи (ташаббускор) тугатилганда, шунингдек буюртмачи (ташаббускор) қайта ташкил этилганда, бундан ҳукукий ворисликка йўл қўйиладиган ҳоллар мустасно.

Давлат экологик экспертизаси хулосаси амал қилишининг тўхтатиб турилиши тўғрисидаги суд қарори буюртмачига (ташаббускорга) ва махсус ваколатли давлат органига қонунчиликда белгиланган муддатларда юборилади.

6-боб. Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва расмийлаштириш

27-модда. Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш босқичлари

Экологик нормативлар лойиҳалари куйидаги икки босқичда ишлаб чиқилади:

атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбаларни инвентаризациядан ўтказиш;

атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбаларни инвентаризациядан ўтказиш натижаларига кўра экологик нормативларни белгилаш.

Экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фан ва техниканинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги илғор ютуқлари инобатга олинади, чиқиндиларни жойлаштиришни, ифлослантирувчи моддаларнинг чиқарилишини, окизилишини камайтириш бўйича замонавий технологияларни жорий этиш назарда тутилади.

Атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбалар инвентаризацияси куйидаги мақсадларда ўтказилади:

ифлослантирувчи моддаларни атроф-муҳитга чиқариш, окизиш манбаларининг, чиқиндиларни жойлаштиришнинг дастлабки маълумотларини, кўрсаткичларини экологик нормативларни ишлаб чиқиш учун аниқлаш;

давлат экологик экспертизаси объектида қўлланиладиган ишлаб чиқариш технологик жараёнларининг, фойдаланиладиган хомашё ва материалларнинг экологик тавсифларини баҳолаш;

экологик хавфсизлик талабларини таъминлашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш.

Атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбалар инвентаризацияси бевосита буюртмачи (ташаббускор) томонидан ёки атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материалларини ва экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчи ташкилотлар жалб этилган ҳолда, давлат экологик экспертизаси объектининг ҳўжалик фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга ошириши даврида беш йилда бир марта ўтказилади.

28-модда. Экологик нормативлар лойиҳаларини расмийлаштириш

Экологик нормативлар лойиҳалари атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбаларни инвентаризациядан ўтказиш материалларига асосан ишлаб чиқилади.

Экологик нормативлар лойиҳалари давлат экологик экспертизасининг давлат экологик экспертизаси объектини рўёбга чиқариш мумкинлиги тўғрисидаги хулосасига асосан махсус ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

Атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбаларни инвентаризациядан ўтказишга доир ҳужжатлар рўйхати, экологик нормативлар лойиҳаларининг таркиби ва уларни расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

7-боб. Атроф-муҳитга таъсирни трансчегаравий жихатдан баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш

29-модда. Атроф-муҳитга таъсирни трансчегаравий жихатдан баҳолаш

Атроф-муҳитга таъсирни трансчегаравий жихатдан баҳолаш қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

агар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ҳамда бошқа фаолият қўшни давлат ҳудудида атроф-муҳитга сезиларли салбий таъсир қилиши мумкин бўлса;

агар қўшни давлатда мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ҳамда бошқа фаолият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф-муҳитга сезиларли салбий таъсир кўрсатаётган бўлса.

Атроф-муҳитга таъсирни трансчегаравий жихатдан баҳолаш Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

30-модда. Стратегик экологик баҳолаш объектлари

Қуйидагилар стратегик экологик баҳолаш объектлари жумласига киради:

давлат дастурларининг, концепцияларининг, ишлаб чиқариш кучларини, иқтисодий ва ижтимоий соҳа тармоқларини жойлаштириш ҳамда ривожлантириш схемаларининг лойиҳалари;

шаҳарсозлик ҳужжатларининг барча турлари;

ҳудудларни кейинчалик уларга муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мақомини бериш ҳамда ҳудудларни фавқулодда экологик вазият ва экологик офат зоналари деб эълон қилиш мақсадида комплекс текшириш материаллари, шунингдек муҳофаза этиладиган табиий

худудларни бошқариш режаларининг лойиҳалари юзасидан ишлаб чиқиладиган ҳужжатлар;

мавжуд стратегик режалаштириш ҳужжатларига киритилаётган, амалга оширилиши атроф-муҳитга салбий таъсир қилиши мумкин бўлган ўзгартиришлар ёки қўшимчалар.

31-модда. Стратегик экологик баҳолаш мезонлари

Стратегик экологик баҳолаш махсус ваколатли давлат органи томонидан қуйидаги мезонларга асосан ўтказилади:

стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасининг атроф-муҳитга таъсири билан боғлиқ экологик хавфларни ҳисобга олинишини таъминлаш ва мазкур ҳужжатнинг барқарор ривожланишга қўмаклашиш мақсадларига мувофиқлигини таъминлаш зарурлиги нуктаи назаридан долзарблиги;

барқарор ривожланишга қўмаклашишни таъминлаш мақсадида стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасида аҳоли соғлиғи билан боғлиқ экологик омилларни ҳисобга олиш зарурлиги;

стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини фаолият турларини, уларнинг жойлашувини, қўламларини, шароитларини ҳамда табиий ресурсларнинг мавжудлигини ва улардан фойдаланиш шартларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш имконияти;

стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини амалга ошириш жараёнида экологик хавфларнинг, шу жумладан инсон соғлиғига таъсирнинг ҳисобга олиниши;

стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик талабларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариш нуктаи назаридан долзарблиги;

стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасига киритилаётган ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар билан боғлиқ экологик муаммоларнинг, шу жумладан аҳоли соғлиғи билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги;

стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган эҳтимол тутилган оқибатларнинг трансчегаравий хусусияти.

Махсус ваколатли давлат органи стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган мезонларга асосан стратегик экологик баҳолашдан ўтказди ҳамда тегишли тавсияларни беради.

32-модда. Стратегик экологик баҳолаш босқичлари

Стратегик экологик баҳолаш қуйидаги босқичлардан иборат:

ушбу Қонуннинг 31-моддасида назарда тутилган мезонларга асосан стратегик экологик баҳолашдан ўтказиш заруриятини аниқлаш;

стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини стратегик экологик баҳолашда жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш;

стратегик экологик баҳолаш бўйича экологик маърузанинг (бундан буён матнда экологик маъруза деб юритилади) қамров доирасини белгилаш;

экологик маърузани тайёрлаш;

экологик маърузанинг сифатини баҳолаш;

стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини стратегик экологик баҳолаш доирасида манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан маслаҳатлашувлар ўтказиш;

стратегик экологик баҳолаш жараёнида стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасининг трансчегаравий таъсирини баҳолаш;

стратегик режалаштириш ҳужжатининг атроф-муҳитга таъсирини мониторинг қилиш.

Стратегик экологик баҳолаш ҳар бир стратегик экологик баҳолаш объекти бўйича бир марта ўтказилади.

33-модда. Стратегик экологик баҳолашни ўтказишда жамоатчиликнинг иштирок этиши

Стратегик экологик баҳолашни амалга ошириш учун масъул бўлган республика ижро этувчи ҳокимият органи стратегик экологик баҳолаш масалалари юзасидан жамоатчилик эшитувлари ўтказилиши тўғрисида ўзининг расмий веб-сайтида, ижтимоий тармоқларда ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Жамоатчилик эшитувининг иштирокчилари ўз фикрини эркин ифодалашга ва жамоатчилик эшитувида қўйилган стратегик экологик баҳолаш масалалари бўйича таклифлар киритишга ҳақли.

34-модда. Экологик маърузанинг қамров доирасини белгилаш

Экологик маърузанинг қамров доирасини белгилашда стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасининг тавсифи ва мазмунидан келиб чиқиб, экологик маърузага киритиладиган ахборотнинг ҳажми, тўлиқлиги ва батафсиллиги даражаси аниқланади.

Экологик маърузанинг қамров доираси қуйидаги мақсадларда белгиланади:

стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасига киритилиши мумкин бўлган, асослантилган ва амалда қўлланиладиган муқобил ечимларни белгилаш, шу жумладан атроф-муҳитга ва (ёки) инсон соғлиғига таъсирни камайтириш;

стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳаси, шунингдек унга киритилиши мумкин бўлган ўзгартиришлар тўғрисида, шунингдек уни амалга оширишдан кутилаётган натижалар ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш;

стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга ҳамда қонунчиликка ва Ўзбекистон

Республикасининг халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларига мувофиқ муҳофаза этилиши лозим бўлган маҳаллий, давлат аҳамиятига ҳамда халқаро аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳудудларга ва объектларга жиддий салбий таъсирини аниқлаш;

стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини амалга оширишда атроф-муҳитга трансчегаравий таъсир эҳтимолини аниқлаш;

инсон соғлиғини ва қулай атроф-муҳитни таъминлаш учун стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги мақсадларни, шу жумладан халқаро ва миллий даражада белгиланган мақсадларни аниқлаш.

35-модда. Экологик маърузани тайёрлаш ва баҳолаш

Стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини амалга ошириш учун масъул бўлган республика ижро этувчи ҳокимият органи экологик маърузани тайёрлайди ва унинг сифатини баҳолаш учун махсус ваколатли давлат органига тақдим этади.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари экологик маърузани тайёрлаш учун маҳаллий ҳамда хорижий малакали мутахассислар ва экспертларни қонунчиликда белгиланган тартибда жалб этиши мумкин.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари стратегик режалаштириш ҳужжати лойиҳасини тайёрлаш ва қабул қилишнинг барча босқичларида фуқароларнинг объектив экологик ахборотни ўз вақтида олишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини ва атроф-муҳит билан боғлиқ масалалар бўйича қарорлар қабул қилинишида жамоатчиликнинг иштирок этишини таъминлаш чораларини кўради.

Стратегик экологик баҳолаш бўйича экологик маърузани тайёрлаш ва унинг сифатини баҳолаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

36-модда. Стратегик экологик баҳолаш масалалари юзасидан республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш

Махсус ваколатли давлат органи стратегик экологик баҳолаш масалалари юзасидан республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан маслаҳатлашувлар ўтказишга ҳақли.

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари махсус ваколатли давлат органи томонидан сўралган, стратегик экологик баҳолаш доирасида тегишли қарорларни қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этиши шарт.

8-боб. Жамоат экологик экспертизаси

37-модда. Жамоат экологик экспертизасини амалга ошириш

Жамоат экологик экспертизаси экологик жихатдан асослантириш талаб этиладиган ҳар қандай фаолият соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг ташаббуси билан амалга оширилиши мумкин.

Жамоат экологик экспертизасини амалга оширишга монелик қилиш тақиқланади.

Жамоат экологик экспертизаси давлат экологик экспертизаси ўтказилишидан қатъи назар амалга оширилиши мумкин.

Жамоат экологик экспертизасининг хулосаси тавсиявий хусусиятга эга бўлади.

Жамоат экологик экспертизаси қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

38-модда. Жамоат экологик экспертизасини молиялаштириш

Жамоат экологик экспертизасини амалга ошириш жамоат экологик экспертизасини ташкил этувчи ва (ёки) ўтказувчи нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Жамоат экологик экспертизасини амалга ошириш қонунда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши мумкин.

9-боб. Атроф-муҳитга таъсирни баҳолашда жамоатчиликнинг иштирок этиши

39-модда. Жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш

Жамоатчилик эшитувлари мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг ҳамда бошқа фаолиятнинг атроф-муҳитга эҳтимол тutilган таъсири масалаларини аҳоли ва жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш мақсадида ташкил этилади.

40-модда. Жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш тартиби

Жамоатчилик эшитувлари давлат экологик экспертизаси ўтказилгунига қадар ташкил этилади.

Жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш учун махсус ваколатли давлат органи атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш бўйича барча материаллар келиб тушган кундан эътиборан уч иш куни ичида:

муҳокама қилинадиган масала ўз ҳуқуқларига ва қонуний манфаатларига дахл қиладиган ёки дахл қилиши мумкин бўлган шахслар доирасини ҳамда атроф-муҳитга ва аҳолига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хўжалик фаолияти ҳамда бошқа фаолият мўлжалланилаётган ва (ёки) режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган ҳудудни белгилайди;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ва буюртмачига (ташаббускорга) атроф-муҳитга таъсирни баҳолашга доир тегишли ахборотни жамоат эшитувлари ташкил этилиши ҳақидаги хабарнома билан бирга юборади.

Жамоатчилик эшитувлари қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказилади.

41-модда. Жамоатчилик эшитувларининг натижалари тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш

Жамоатчилик эшитувларининг натижалари якуний ҳужжатлар билан бирга махсус ваколатли давлат органининг ва жамоатчилик эшитувлари ўтказилган ҳудуддаги ижро этувчи ҳокимият органининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

10-боб. Якунловчи қоидалар

42-модда. Низоларни ҳал этиш

Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

43-модда. Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Экологик экспертиза, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш ва стратегик экологик баҳолаш тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

44-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «**Экологик экспертиза тўғрисида**»ги 73–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5–6, 144-модда);
- 2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «**Экологик экспертиза тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида**»ги 74–II-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5–6, 145-модда);
- 3) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 январда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–278-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 1, 1-модда) **11-моддаси**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги ЎРҚ–446-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда) **44-моддаси**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **115-моддаси**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 29 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–688-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 4, 1-модда) **4-моддаси**.

45-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

46-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

ушбу Қонун 18-моддасининг талабларини ҳисобга олган ҳолда, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материалларини ва экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни, шунингдек экологик экспертиза объектлари учун лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишга доир малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ичида ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ушбу Қонун 35-моддасининг талабларини ҳисобга олган ҳолда, стратегик экологик баҳолаш бўйича экологик маърузани тайёрлаш ва унинг сифатини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ичида ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ушбу Қонун 37-моддасининг талабларини ҳисобга олган ҳолда, жамоат экологик экспертизасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ичида ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

47-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри,
2025 йил 24 февраль
№ ЎРҚ–1036



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING QONUNI

Об экологической экспертизе, оценке воздействия на окружающую среду и стратегической экологической оценке

Принят Законодательной палатой 18 октября 2024 года
Одобен Сенатом 24 января 2025 года

Глава 1. Общие положения

Статья 1. Цель настоящего Закона

Целью настоящего Закона является регулирование отношений в области экологической экспертизы, оценки воздействия на окружающую среду и стратегической экологической оценки.

Статья 2. Законодательство об экологической экспертизе, оценке воздействия на окружающую среду и стратегической экологической оценке

Законодательство об экологической экспертизе, оценке воздействия на окружающую среду и стратегической экологической оценке состоит из настоящего Закона и иных актов законодательства.

Если международным договором Республики Узбекистан установлены иные правила, чем те, которые предусмотрены законодательством Республики Узбекистан об экологической экспертизе, оценке воздействия на окружающую среду и стратегической экологической оценке, то применяются правила международного договора.

Статья 3. Основные понятия

В настоящем Законе применяются следующие основные понятия:

компоненты окружающей среды – земля, недра, воды, растительный и животный мир и атмосферный воздух, обеспечивающие благоприятные условия для существования в природной среде;

воздействие на окружающую среду – любые последствия намечаемой и (или) планируемой или осуществляемой хозяйственной и иной деятельности для окружающей среды и экологической безопасности, в том числе для здоровья человека, компонентов окружающей среды и взаимосвязь этих факторов, а также влияние изменений этих факторов на социально-экономические условия и объекты культурного наследия;

